



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми — муборак Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бу кутлуг байрамда ҳаммамиз аввало шундай файзли ва барокатли кунларга етказгани учун Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтмайиз.

Оила, маҳалла ва жамият ахлига меҳр ва эътибор кўрсатиш, кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга бегараз ёрдам бериш, яхшилик, сабру қаноат каби эзгу фазилатларни ўзида муҳассам этган бу байрамнинг маъно-мазмунини бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини, ўйлайманки, шу саодатли дамларда ҳар биримиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айни вақтда муқаддас ислом динининг ана шундай буюк инсонпарварлик тамойилларини асраш, тарғиб этиш ҳозирги шиддатли замонда ўта долзарб вазифага айланиб бораётганини барчамиз яхши тушунамиз. Мамла-

катимизда кейинги пайтда бу борада кўп ишлар қилинаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Жумладан, улуг алломаларимиз Имом Бухорий ва Имом Термизий номларига халқаро илмий марказлар, Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилгани шу йўлдаги улкан қадамлар бўлди.

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши **жаҳолатга қарши — маърифат** асосида курашиш, динимиз поклигини сақлаш бўйича мамлакатимиз томонидан нуфузли халқаро минбарлардан қатор амалий ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида **«Маърифат ва диний бағрикенглик»** деган ном билан махсус резолюция қабул қилиш ҳақида билдирган таклифимиз жаҳон миқёсида кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Шу улуг айём кунларида узоқ ва яқин мусулмон мамлакатларнинг халқларини, барча дўстларимизни самимий қўлаб, уларга тинчлик,

тараққиёт ва фаровонлик тилашдан беҳад мамнунмиз.

Муҳтарам юртдошлар! Ўзбекистонимиз янги тараққиёт босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда ўзгариш ва янгиланишлар кучайиб бораётгани, Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда уч кунлик дам олиш эълон қилингани бу йилги байрамга алоҳида файз ва тароват бағишламоқда.

Табаррук айём арафасида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида Фармон қабул қилингани халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва меҳр-шафқат фазилатларининг яна бир яққол намоёни бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, бу ҳуқуқий ҳужжат жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, соғлом ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, билиб-билмай нотўғри йўлга кирган инсонларни кечириб, уларни оиласи бағрига, тўлақонли ҳаётга қайтаришга қаратилган кенг кўламли ишларимизнинг узвий давомидир.

Албатта, биз ўз диний қадриятларимизни улуғлаб,

эъзозлаб яшар эканмиз, ҳозирги юксак технологиялар асрида мустаҳкам имон-этикод билан бирга замонавий илм-фан, касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаш, инновациялар соҳасидаги ютуқларни чуқур ўзлаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти эканини яхши тушунамиз.

Муборак ҳадисларда айтилганидек, **икки дунё саодатини ўйлаб яшаган инсон, халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.**

Барчангизни муқаддас Рамазон ҳайити билан яна бир бор табриклайман.

Эл-юртимизнинг шу муборак ойда қилган ибодатлари, эзгу ниятлари ижобат бўлсин!

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимизда тинчлик, ахиллик, файзу барака бардавом бўлсин!

Эзгу ишларимиз, интилишларимизда Яратганнинг Ўзи мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14 июнь кuni Москвага ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мамлакатда бўлиб ўтаётган футбол байрамига хос кўтаринки муҳитда кутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев “Лужники” олимпия комплексига ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мазмунли гоёвий ечим, ноёб техник имкониятлар асосида тайёрланган тантанали тадбир томошабинларга катта завқ бағишлади. Машҳур эстрада юлдузлари ижросида жаҳон чемпионатининг расмий қўшиғи янгради. Бутун дунёдан келган мухлислар футбол оламининг энг нуфузли

мусобақасида иштирок этаётган мамлакатлар жамоаларини қўтлади.

Президентимиз олий мартабали меҳмонлар қаторида Россия ва Саудия Арабистони миллий терма жамоалари ўртасидаги ўйинни томоша қилди. Хорижий давлатлар раҳбарлари билан самимий мулоқотлар ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Тошкентга жўнаб кетди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ ЭНГ ХАВФСИЗ МАМЛАКАТЛАРИ РЕЙТИНГИДА БЕШИНЧИ

АҚШнинг нуфузли “Gallup” халқаро тадқиқот маркази дунёнинг энг қонун устуворлиги ва тартиб индекси (Global Law and Order) бўйича ўтказган тадқиқот натижаларини эълон қилди.

ТАДҚИҚОТ

Эътиборлиси, Ўзбекистон ушбу рейтингда бешинчи, Осиё қитъасида иккинчи ҳамда МДХ мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Тадқиқотда 142 давлатда яшовчи 148 минг шахс иштирок этган. Қатнашув-

чилардан маҳаллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари вакилларига ишонч, тунда кўчада юрганда ўзларини хавфдан холи ҳис этиши ва жиноят қурбони бўлган бўлмаганлиги ҳақида сўралган.

Сўров натижаларига

кўра, Сингапур “Дунёдаги энг хавфсиз давлат” деб топилди. Ундан кейинги ўринларни Норвегия, Исландия, Финляндия ҳамда Ўзбекистон банд этган. Мамлакатимиз 100 баллик рейтингда 91 балл тўплаган.

Ўзбекистондан кейинги ўринларни Гонконг, Швейцария, Канада, Дания, Хитой, Голландия каби давлатлар эгаллади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ
тайёрлади.

Ўзги таътил — 2018

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Бу йил мамлакатимиз оромгоҳларида

301 500

нафар болани
соғломлаштириш
режалаштирилган.

Жорий йилги мавсумда республикамиз ҳудудларида 15 та интеллектуал ривожлантириш, 14 та ҳарбий спорт, 14 та ўлкашунослик, 14 та техник, 14 та бағрий ижодкорлик, 7 та ижтимоий мослашув оромгоҳлари ташкил этилади. Шунингдек, ўсмир ёшдаги болаларни ҳордиқ билан қамраб олишга мўлжалланган «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари сони 129 тага етказилади.

ЖОРИЙ МАВСУМДА ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ОРОМГОҲЛАР



кундузги оромгоҳ
меҳнат ва
дам олиш оромгоҳлари
стационар оромгоҳлар



Ҳосен ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бўстонлик туманидаги Юсуфхона қишлоғида жойлашган “Ниҳол” болалар оромгоҳи ана шундайлардан биридир. Янгийўл шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси Муҳаммад Бахтиёров ушбу оромгоҳда олган таассуротларини отаси Бахтиёр Ҳожиметовга бирма-бир ҳикоя қилиб бериш учун кундалик ёза бошлади. У дафтарининг биринчи саҳифасига бу ернинг табиати ҳақида ёзди. Бир тарафда осмонўпар,

пурвиқор тоғлар, иккинчи томонда эса Чорвоқ сув омбори. Оромгоҳнинг 2,7 гектар ҳудуди ям-яшил бог-роғлардан, гулзорлардан иборат. Игна баргли дарахтларнинг саногига етиш қийин. Қўшқаватли ётоқхона, 170 ўринли ошхона, кутубхона, маънавият хонаси, спорт майдончалари, сув ҳавзалари ўзгача дид билан қурилган. Улар ўзига хос уйғунлиқни ташкил этади.

(Давоми 4-бетда).



Эксклюзив интервью

«Юртингиз иқтисодий ривожланишнинг тўғри йўлини танлади»

Яқинда Тошкентда “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестициявий фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда номдор хорижлик олим ва мутахассислар, жумладан, россиялик экспертлар ҳам қатнашди. М. Ломоносов номидаги МДУнинг Москва иқтисодиёт мактаби директори, Россия Фанлар академияси академиги, профессор Александр НЕКИПЕЛОВ Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

(Давоми 2-бетда).



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ВА ИМКОНΙΑТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Маълумотларга қараганда, бугун сайёраимизда қарийб 1 миллиард нафарга яқин ногиронлиги бор шахслар ҳаёт кечираётир. Мамлакатимизда уларнинг сони 670 минг нафардан ортиқни ташкил этади.

Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга аввалдан юртимизда жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида эътибор қаратиб келинади. Айниқса, сўнгги йилларда республикамизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кўмак бериш борасида катта ишлар қилинди.

Президентимиз раҳнаомлигида оғир ижтимоий-маиший шароитларда яшовчи оилалар арзон уй-жойлар



билан таъминланаётгани, тиббий хизмат, турли маиший техникалар сотиб олишда бегараз ёрдам кўрсатилаётгани фикримиз далилидир.

(Давоми 2-бетда).



Жамоатчилик назоратининг самарали шакллари

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмағида ташкиллаштирилган “Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали шакли сифатида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сената аъзолари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, илмий ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакил-

лари қатнашди. Тадбирда европалик экспертлар ҳам маърузалар ўқиди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни

ҳуқуқий тартибга солиш борасида фаол иш олиб борилаётгани, қонунчиликда мавжуд бўшлиқларни тўлдирадиган янги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани, жамиятни ислоҳ этишга тўққинлик қилувчи эски меъёрий нормалар олиб ташланаётгани таъкидланди. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувида иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармони сезиларли хисса қўшди. Айтиш жоизки, мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилган.

Тадбирда Ўзбекистонда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси ҳамда жамоатчилик экспертизасини ўтказишга, шунингдек, амалдаги қонунчиликнинг ижроси ҳолатини ўрганишга қаратилган чора-тадбирларни рўйбга чиқаришга ННТни жалб қилиш йўли билан амалга оширилаётгани қайд этилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги,

“Оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асослари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги каби 30 та қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасида иштирок этди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳар доим ҳам ННТ вакиллари, мустақил экспертлар қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш қоидалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаганлар.

Давра суҳбатида “Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажарилишини ташкил этиш: ҳуқуқий жиҳатлар” илмий-ушлубий қўлланмасининг тақдими уюштирилди.

Тадбир иштирокчилари жамоатчилик экспертизасини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича тавсияларини тасдиқладилар.

О. ЛУТҲУЛЛАЕВ.

«Amnesty International»:

«АГАР ОХИРГИ БЕШ ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФАҚАТГИНА БЕШ МАРОТАБА ОҚЛОВ ҲУКМИ ЧИҚАРИЛГАН БЎЛСА, 2018 ЙИЛ ДАСТЛАБКИ БЕШ ОЙНИНГ ЎЗИДА УЛАР СОНИ 200 ТАДАН ОРТДИ»

Давлатимиз раҳбарининг яқинда имзоланган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатыш ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони юртдошларимиз, кенг жамоатчилик томонидан бағрикенглик, олижаноблик, инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида кутиб олинди.

Зеро, мамлакатимизда илк маротаба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди. Ўз навбатида, уларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шўғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун ҳар томонлама шароит яратилди.

Бу нафақат яхшилик қилиш, балки жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаттоларидан муносиб ҳулоса чиқарган ҳар бир одам шахс сифатида ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳақли эканлигини намоён этиш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир.

Бинобарин, узок йиллар давомида республикаимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фақат салбий фикр билдириб келган халқаро ташкилотлар, ҳорж оммавий ахборот воситалари ҳам бугунги кунга келиб, бу борада сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганини тан олиб, мазкур жараёнга ҳолис баҳо бериб келяпти. Хусусан, охириги 14 йил ичида илк бор Ўзбекистонга таширф буюрган “Amnesty International” халқаро ташкилоти делегацияси вакиллари ҳам буни алоҳида эътироф этди. Вақолонки, ушбу нуфузли ташкилот доимо кескин, муросасиз ҳамда деярли тўлиқ танқидий фикрлар билдириши билан танилган.

Бу ҳақда ташкилотнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича директори ўринбосари Денис Кривошеев Германиянинг энг нуфузли “Deutsche Welle” халқаро теледидиоканалига берган интервьюсида алоҳида гапириб ўтди.

Унинг фикрича, айни пайтда Ўзбекистонда қамқоҳоналарнинг тўлиш даражаси 80 фоизгача пасайган

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

Эзгу ишлардан одамлар мамнун

Анджон вилоятида 1120 нафар уй бекасига газ плиталари совға қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасидаги ушбу эзгу ишлардан улар жуда мамнун.

ҚАРОР ВА ИЖРО

— Тўлиқ жиҳозланган ошхона ҳар бир аёлнинг орзусидир, — дейди Улғунор туманидаги Гулистон маҳалласида яшовчи Адолатхон Мирзаева. — Бироқ бунга эришишнингни ўзи бўлмайди. Мазкур совға тумандаги мен каби хотин-қизларга шодлик улашди.

Шунга мос ҳолда, кам таъминланган оилалардаги бемор фуқаролар соғломатлигини тиклаш ва даволаш учун 4 миллион сўмгача моддий ёрдам кўрсатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Юртингиз иқтисодий ривожланишининг тўғри йўлини танлади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу кўргазмали илмий-амалий анжуманда қатнашиш мен учун касбий нуктаи назардан катта қизиқиш уйғотди. Бугун Ўзбекистон бутун дунё эътиборида. Бунинг сабаби, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги ташаббусларидир. Айни пайтда аввалги йилларда эришилган натижалар ҳам четга чиқариб қўйилмапти.

Биз, мутахассисларни, аввало, иқтисодиёт соҳасидаги ислохотлар қизиқтиради. Қайд этиш кераки, анжуман ташкилотчилари хориждан келган иштирокчилар бу борадаги барча ахборот ва янгилликларга эга бўлиши учун шароит яратиб берди. Ўзбекистон иқтисодиёт вазирлиги ўз қишмида анжуман қатнашчиларига табрик йўллаш билангина чекланмасдан, республика раҳбарияти томонидан Ҳаракатлар стратегиясини рўйбга чиқариш бўйича қўрилаётган чоралар, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга оид аниқ вазифалар ва бу йўлда юзага келаётган муаммолар ҳақида батафсил маъруза қилгани ҳам диққатга сазовор.

Формумдаги умумий муҳит унинг доирасида маърузаларни қизғин муҳокама қилишга, Ўзбекистонда бошланган иқтисодий ислохотларга алоқадор қўллаб масалалар бўйича баҳс-мунозаралар олиб боришга имкон берди. Хорижий қатнашчиларнинг айнан шундай муаммолардан турли мамлакатларда қандай ечим топилгани ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўзбек ҳамкасбларимизда қизиқиш уйғотди, деган умидман.

Албатта, бошқаларнинг тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар уни шунчаки миллий иқтисодиётга қўйиб олиш учунгина керак эмас. Бу боши берк кўча. Мавжуд таж-

рибаларни ўрганиш муаммоларнинг моҳиятини тезроқ ва яхшироқ англаб етиш, шу аснода миллий хусусиятларга тўла мос келувчи қарорлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Яна бир фикр, ўзбек халқи ҳозир жудаям кўтаринки қайфиятда: одамлар, бу қанчалик балоандарвоз эшитилмасин, иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлардан руҳланган. Анжумандан ва ўзим гувоҳ бўлганларидан қолган энг катта таассуротим шу бўлса керак.

Мустақил Ўзбекистон янада кучлироқ ва қудратлироқ бўлиши учун аввалги йилларда қилинган ишлар ҳам эътироф этилмоқда. Бу жуда муҳим, ахир мамлакат социалистик тузумдан кейинги даврдаги ўзгаришларнинг илк босқичида “шок терапияси”ни танлаган кўп мамлакатлар бошидан ўтказган (улар орасида Россия ҳам бор) иқтисодиёт ва турмуш даражасининг инқирозидан сақланиб қолди. Мана энди, дастлабки маъруза қилгани ҳам диққатга сазовор.

Ўзбекистонлик ҳамкасблар ўзгаришлар шамолли билан келган бу умумий кўтаринкилик таъсирида ислохотлар билан боғлиқ базми хатарларни ҳам назардан четда қолдирмаётганига ишонч ҳосил қилдим. Аслида, мамлакат икки томонлама вазифа қаршида турибди. Бир томондан, замонавий бозор иқтисодиётига хос институтларнинг бутун бошли маммуаси-

ни шакллантириш керак. Иккинчи тарафдан эса, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, бозор механизмларининг ҳаракати билан ёнма-ён юрадиган турли зарбаларни юмшатиш имконини берувчи ҳам макро, ҳам микроиқтисодий таъсир воситаларига эга бўлиш жуда муҳим. Анжумандаги маърузада мен давлат активларини бошқариш, жумладан, уларни хусусийлаштириш билан боғлиқ муаммолар ва имкониятларга эътибор қаратдим. Бироқ бу диққат марказида бўлиши лозим бўлган ягона жиҳат эмаслиги аниқ.

Ўзбекистон томонидан очик иқтисодиёт, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ички инвестицияларни сафарбар этиш йўналиши танлаб олингани мутлақо тўғри. Шу маънода, валюта сибсантияларга эътибор қаратдим. Бироқ бу диққат марказида бўлиши лозим бўлган ягона жиҳат эмаслиги аниқ. Ўзбекистон томонидан очик иқтисодиёт, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ички инвестицияларни сафарбар этиш йўналиши танлаб олингани мутлақо тўғри. Шу маънода, валюта сибсантияларга эътибор қаратдим. Бироқ бу диққат марказида бўлиши лозим бўлган ягона жиҳат эмаслиги аниқ.

Яна бир масала. М. Ломоносов номидаги МДУнинг Москва иқтисодиёт мактабидан бир неча мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашган мазкур анжуманда биз Ўзбекистондаги ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдик. Тошкентга са-

фар олдидан Ўзбекистон иқтисодчиларининг ютуқлари билан танишиш ва ўзимизни нимага эришганимизни намоён этишни мақсад қилган бўлсак-да, биз кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича ҳамкорлик учун ҳам очикмиз. Ўзбекистон томонидан бундай ҳамкорликка катта қизиқиш билдирилди. Ҳозирча эса мутахассислар алоқаларни тўхтатмаслик ва имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишга келишди-лар. Шунчи қайд этишни истардимки, биргаликда ишлаш учун шароитлар етарли. МДУнинг Москва иқтисодиёт мактаби Россиянинг етакчи олимлари, хусусан, Россия фанлар академиясининг илмий доираларда ном қозонган академиклари ва муҳбир аъзолари, фан докторларини ўзида жамлаган салоҳиятли профессор-ўқитувчилар жамоасига эга. Франция, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва бошқа қатор мамлакатлардан келган хорижий олимларнинг алоҳида қурслари ташкил қилинади. Москва иқтисодиёт мактабининг бош вазифаси — глобал рақобат шароитида амалий масалаларни ечим учун чуқур назарий билимларга, замонавий қўникмаларга эга бўлган ва давлат бошқарувининг федерал ҳудудий органларида, йирик бизнес тузилмаларида, шунингдек, фан ва олий таълим соҳаларида самарали ишлай оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдир. Даргоҳда катта миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Агар ушбу фаолиятимиздаги бирор жиҳат Ўзбекистон вакилларини қизиқтирсин, биз ҳамкорлик бўйича аниқ масалаларни қўриб чиқишга тайёرمىз.

Собир АЛИЕВ ёзиб олди.

Экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида муҳим аҳамиятга молик бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Улар орасида бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти миқёсида долзарб аҳамиятга эга бўлган, қўллаб-қувватлашнинг авж олишига туртки бўлаётган экстремизмга қарши курашишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонун лойиҳаси ҳам бўлиб, мазкур ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинган ҳамда уни маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Хўш, ушбу қонунни қабул қилишда асосий эътибор нималарга қаратилди?

Аввало, қайд этиш жоизки, Президентимиз фармойиши асосида Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашнинг авж олишига туртки бўлаётган экстремизмга қарши курашишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонун лойиҳаси ҳам бўлиб, мазкур ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинган ҳамда уни маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Хўш, ушбу ҳужжатда, аввало, экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган нормалар тамомла қайтадан қўриб чиқилди ва асосий урғу экстремизмга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш лозимлигига қаратилди.

Қонун билан нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимиятлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, аҳоли экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларда ўз ваколатлари доирасида ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишлари белгиланмоқда.

Парламент қўйи палатаси депутатлари томонидан қабул қилинган мазкур қонун, шубҳасиз, яқин келажакда мамлакатимизда шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини янада қафолатлаш, конституциявий тузум ва давлатнинг ҳудудий ахилитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликини сақлашга ҳизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳат, ушбу ҳужжат экстремизм соҳасида қонунбузилишларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйиш, оқибатларини бартараф қилишга, шунингдек, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга, умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларни амалга оширишга кўмаклашади.

Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофиа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси.

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, чет эл тажрибаси чуқур таҳлил қилинган

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ВА ИМКОНияТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда ногиронлиги бор шахсларга нафақа тўланаётгани, шу билан бирга, меҳнат қилишларига зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳам инсонпарварлик сибсантиянинг бир кўриниши, десак, айни ҳақиқат. Юртбошимизнинг “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига янги суръат бағишлади.

— Ногиронлиги бор шахслар иштирокидаги корхоналар танлов савдоларида тенг шароитларда иштирок этганда уларга устуворлик ҳуқуқининг берилмагани, давлат мулк объектларидан ижара асосида фойдаланаётганда, бошқа тадбиркорлик субъектлари билан бир хил қаралаётгани ёки бўлмаса, ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган ижтимоий тадбиркорлик субъекти доирасининг аниқланмагани бу бора-

да амалга оширилаётган ислохотларга жиддий ғов бўлаётган эди, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бош илмий ходими Валишер Давлатов. — Мазкур қарор ногиронлиги бор шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилишга катта туртки беради.

Айтиш жоизки, қарорга асосан, шу йил 1 августдан эътиборан умумий тушумининг 30 фоизини ногиронлиги бор шахсларга жиҳозлар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш ва протезлаш хизматларини кўрсатиш хисобига ташкил этиладиган корхоналар, 20 фоизини Брайл ёзувидаги босма нашрлар, илмий ҳамда бадий адабиётлар, имконияти чекланган болалар учун аудиокитоблар, видеоматериалларни ишлаб чиқариш эвазига ташкил қиладиган корхоналар, ишчиларининг 30 фоизи ногиронлиги бор шахслардан иборат корхоналар бир қатор имтиёз ва преференцияларга эга бўлади. Қолаверса, улар давлат мулки объектини ижрага олишда энг кам ижара тўловчи ставкасининг 50 фоизини тўлайдилар.

Юқорида зикр этилган корхоналарга айланма маблағини тўлдириш учун — уч ойлик имтиёзли давр билан 18 ойгача муддатга, асбоб-ускуналар ҳамда сарфлаш материалларини харид қилиш учун — олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йил муддатга кредитлар аж-

ратиладиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси кредитлар бўйича фоизларга кафилилик беради.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжат билан яна бир имтиёз берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб ишчиларининг 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан ташкил топган корхоналар ходимлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 4,7 фоиз миқдорда белгиланди.

Эңдликда ёрдамга муҳтож ва шу муҳтожларга кўмакка шай бўлган ҳомийлар бир майдончада виртуал мулоқотга киришишлари мумкин бўлади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин фойдаланиши учун барча техник ҳамда тиббий-ижтимоий имкониятларни нобатга олган ҳолда, ҳомийлар ҳамда ҳомийлик олувчиларни боғлайдиган, аввало, ҳомийлар ёрдами ва қўллаб-қувватлашга ўта муҳтож кишилар ҳақидаги мақолалар ҳамда маълумотлар жойлаштирилаётган махсус веб-портал ҳам яратилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад интернет тармоғида ёрдамга муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларининг ягона майдонини яратишдир. Бу орқали улар ҳам давлат томонидан, ҳам жамоатчилик томонидан назорат қилиб борилади.

Қарорда белгиланган яна бир

жиҳатга тўхталиб ўтиш ўринли. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Молия ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектларини ҳамда ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш бўйича махсус гуруҳлар тузилди.

— Мазкур ишчи гуруҳи томонидан республикамизнинг ҳар бир ҳудудидagi жамоат бирлашмалари корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан унумли фойдаланилиши комплекс тарзда ўрганилади, — дейди Бош прокуратура бошқарма прокурори Шахноза Тўхташева. — Қолаверса, нафақат улар фаолияти ўрганилади, балки мавжуд муаммолар бартараф этилади, улар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Хулоса ўрнида айтганда, қўрилаётган чора-тадбирлар ногиронлиги бўлган шахсларга меҳнат қилишлари учун зарур шароит ҳамда имкониятларини яратиб беришга йўналтирилгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Бухоро — табаррук замин. Азал-азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бу кўҳна ғўшанинг оҳанрабои, кўрку таровати инсонни доимо ўзига чорлаб туради.

Бухорога йўлиш дунёнинг турли нуқталаридан минглаб сайёҳлар келади. Улар бу шариф заминда тарих билан юзлашадилар. Инсониятнинг асрлар оша яшаб келаётган эзгу тутумлари, маданияти ва қадриятларига ғувоҳ бўлиб, уларнинг моҳиятида ётган умумбашарийлик, боқийлик сирларини англашга уринадилар. Ислом дини пешволари, алломалари, азиз-авлиёлари босган тупроқни, қўлларининг қайноқ тафти қолган масжиду минораларни, руҳлари кезиб юрган манзилларни зиёрат қилишга ошиқадилар...



ЕТТИ ПИР ЗИЁРАТИ

Ўзбекистоннинг янги сайёҳлик йўналиши

Кўҳна воҳанинг «ташриф қоғози»

Бухорога дунё халклари эътиборининг кучайиб бораётгани бу қадимий маконда туризм индустриясини ривожлантириш учун катта имкониятлар мажмуидигидан далолат.

Мутахассислар сайёҳлик замонавий иқтисодиётнинг истикболли тармоғи эканини таъкидлайди. Бошқа соҳалар рагнаки хом ашё, ишчи кучи, маблағ ва яна кўплаб ресурсларни доимий талаб этса, туризм учун замонавий талабларга мос, бекамۇ қўст ишловчи инфратузилма бўлиши кифоя: мевали дарахт мисоли узок йиллар наф келтиради.

Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлохотларда ана шу жихатга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Тармоқни ҳар томонлама ислох этиш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилиняпти. Уларга мувофиқ, мамлакатимиз-

да сайёҳлик саноати субъектлари фаолияти учун қулай шароитлар яратилмоқда, соҳа равнақи йўлидаги тўсиқлар олиб ташланиб, чет элликлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиблари, боғхона назорати соддалаштириляпти. Тармоқнинг янги салоҳиятли турлари, хусусан, зиёрат туризмини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда.

Жумладан, Президентимиз шу йилнинг 16 февраль кунн Бухоро вилоятига ташриф буюрганида инсоният тамаддуни бешикларида бўлиш ушбу заминда не-не буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилганини таъкидлар экан, улар мангу кўним топган масканлари янада обод этиб, бу жойларда зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсаткичлар берди. Юртошимиз Етти пир—Абдуҳолик Ғиждувоний, Мухаммад Ориф Ревгарий,

Махмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Мухаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар бўлиб турлари, хусусан, зиёрат туризмини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда.

Манбаларда Етти пири комил Пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайҳи вассалламдан бошланган "олтин силсила"нинг давомчилари сифатида эътироф этилган. Улар кўнглини нафсу хирсдан поклаш, ҳалол меҳнат қилиб умр кечириш, Аллоҳни жон-дилдан севиш ғояларини тарғиб қилган. Ушбу азиз-авлиёларнинг асарлари, қилган ишлари за-

монлар оша одамларни тарбиялаб, уларга дину динят, одоб-ахлоқ, эзгу сўз ва амалдан сабоқ бериб келмоқда.

Бугунги кунда Етти пирнинг муқаддас қадамжоларини янада обод қилишга қаратилган ишлар авжида. Уларнинг макбаралари қайта таъмирланиб, атрофи кўкаламзорлаштириляпти, вилоятнинг иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар, ноёб гуллар ўстирилмоқда. Сайёҳлар учун мазкур худудларда меҳмонхоналар, чойхоналар, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этиляпти. Зиёратгоҳларни ўзаро боғлайдиган йўллар реконструкция қилиниб, замонавий инфратузилма шакллантириляпти. Мухташам маданий объектлар қурилиб, транспорт-логистика, муҳандислик-коммуникация тармоқлари яхшиланмоқда. Бу борадаги ишлар нияҳоясига етказилса, Етти пир қадамжолари ҳам шаклан, ҳам мазмунан комплекс кифақа касб эади ва уларни зиёрат қилиш кўҳна Бухоронинг янги "ташриф қоғози"га айланади.

Малайзияликлар қувончи



Эрталабки илк манзилмиз Ромитан т у м а н и Кўрғон қишлоғидаги Хожа Али Ромитаний

нига етган, ушбу худуднинг сайёҳлик салоҳияти кескин ошади. Негаки, қадам-жо ёнида неча минг йиллик тарихга эга кўҳна Кўрғон қишлоғи бор. Бу ерда франциялик мутахассислар билан ҳамкорликда археологик қазимша ишлари олиб бориляпти. Тоғилмалар жамоатчиликнинг бу ерга қизиқишини янада ошириши, шубҳасиз.

Зиёратгоҳи бўлди. Ушбу зот хожалар-нақшбандия тариқатининг йирик намо-янадиси. Хожаи Азизон деган юксак номга мушарраф бўлган. Унинг "Рисолаи Азизон" китоби турли тилларга таржима қилиниб, бутун жаҳонга тарқалган.

— Ушбу улуг зот бутун умр "ўзмок ва уламок" ишида яшаган, дейиш мумкин. Яъни зоҳиран турли рангдаги ипларни узиб-ўлаб, мато тўкиб, тирикчилик қилган бўлса, ботинан қалби ва руҳини Аллоҳга боғлаб умрини ўтказган, — дейди зиёратчилардан бири, меҳнат фахрийси навоийлик Гулнора Норқулова.

Бундай кўтулғ авлиёларнинг айтган ҳар бир сўзи, ҳаёти биз учун ибрат. Зиёрат давомида фарзанду набира-ларимиз буни кўп-кўп таъкидлаяман.

Етти пирнинг барча қадамжосида бўлаётгани каби бу ерда ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Уста Музаффар Мирзеев зиёратгоҳ худудида уч гумбазли дарвоза-хона, макбара, минора, ҳовуз, кушона ва бошқа иншоотларга ёндош қилиб хунармандлар расталари ҳам тикланаётганини таъкидлади.

Ромитан туманининг Самос қишлоғи томон юрсангиз, яна бир тарихий мажмуа қаршингиздан чиқади. Бу ерда маънавий коммуналлик тимсолига айланган яна бир муътабар зот — Мухаммад Бобойи Самосий қабри ва макбараси бор.

Халқ ушбу авлиёлари келажакни олдиндан кўра олган, деб билади. Хусусан, у зот бир гуруҳ муридлари билан Бухоро яқинидаги қишлоқдан ўтиб кетаётганда "Бу тупроқдан бир эр иси келмоқда", деб Баҳоуддин Нақшбанднинг дунёга келишини башорат қилгани ривоятга айланган.

Амалга ошириляётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан зиёратгоҳ янада кўркاملашмоқда. Атрофдаги сўйим боғдан эсган майин шаббода, қанотларини кенг ёзиб, товланган товуслар, барқ уриб очилган ноёб гуллар зиёратдан ҳаловат топган баҳридинлигини янада очиб буюради.

— Азиз-авлиёланинг қадамжоси тубдан таъмирланаётгани нафақат қишлоғимиз кўрқига кўрк қўймоқда, балки бу ердаги муҳитни яхшилаб, одамларнинг кайфиятини янада кўтармоқда, — дейди "Бобойи Самосий" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Абдуллатиф Ширинов.

— Шу ерда туғилиб-ўсган инсон сифатида биламан: зиёратгоҳ бир вақтлар тамоман эътиборсиз қолган эди. Унинг ҳозирги жамолини кўрган ёшлар учун бу эртдақдай гап. Муҳими, бугун мажмуа ҳар қанчонидан ноёб обод, бу ерда зиёратчиларга барча шароит муҳайё.

Мажмуага келган бир гуруҳ туристлар Малайзиядан экан. Улар Хожа Бобойи Самосий қадамжосини зиёрат қилганидан гоёт хурсанд эканини айтишди.

— Ўзбекистон заминидан туғилган кўплаб алломалар ислом оламида чўқур из қолдирган, — дейди сайёҳлардан бири Бин Ҳасан Жамалидин. — Бундай аждодларингиз билан ҳақли равишда фараҳлансангиз арзийди. Бизда Нақшбандия тариқати кенг тарқалган. Шу боис кўплаб ватандошларимиз Етти пир қадамжосини зиёрат қилишни, халқингизнинг бой маданияти билан танишишни истади. Туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда Ўзбекистонга келувчи Малайзия фуқаролари учун виза режими бекор қилингани аини мурдада бўлди. Биз бундан жуда мамнунмиз.

Ярим асрдан сўнг ушалган орзу

Бугунги кунда Бухородаги табаррук мажмуаларга юртдошларимиздан ташқари, Хиндистон, Малайзия, Индонезия, Туркия, Саудия Арабистони, Эрон ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидан зиёратчилар келмоқда. Улар Ўрта асрларда "Қуббат ул-ислом" — "Ислом динининг гумбазини" деб таърифланган бу муборақ масканда бугун ҳам диний таълим муассасалари қизгин фаолият юритаётгани, мусулмон ахлоқи ва маданиятини ривожлантиришга катта эътибор берилляганидан мамнун.



Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний зиёратгоҳидан одамларнинг қадами узилмайдн. Етти пирнинг энг улуги, хожалар тариқатининг асосчиси бўлган ушбу зот дунё мусулмлари томонидан Хожаи Жаҳон деб шарафланган.

Абдуҳолик Ғиждувонийга аждодларимизнинг меҳр-муҳаббати кучли бўлган. Хусусан, маърифатпарвар ҳукмдор Мирзо Улугбек унинг шарафига мадраса, кутубхона ва тошхаммом қурдирган. Ушбу маскан, афсуски, мустабид тузум даврида оёқостн қилинган. Мадраса кимёвий ўғит сақланадиган омборхонага, қабр атрофи сомон бозорига айлантирилган. Истиклол туфайли бу каби но-

хуш ҳолатлар бархам топди. Зиёратгоҳ обод этилди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июлдаги "Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида" ги Фармоиши билан бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Ҳозирги кунда мажмуа тўлиқ реконструкция қилинмоқда. Йўлақларга махсус тошлар ётқизилиб, ён-атроф ободонлаштириляпти.

Бу кўтулғ масканни зиёрат қилляган Мамлакат Топтемирова оила аъзолари билан Қирғизистон Республикасининг Боткент вилояти Қадамжой туманидан келибди. Ононаҳ асли фарғоналик бўлиб, кўшни республикага келин бўлиб тушган экан.

менда чўқур таассурот қолдирди. Ҳазрат Навоий "Аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур... Ҳар вақт намозда Қаъбага борар эрдилар", деб ёзади. Қаранг, ул зот шу қадар улғи-ликка эришганки, қилган ҳар бир иши тариқат йўлини тартибга солиб турган. Ҳазратга чўқур меҳр кўйдим. Қабрларини зиёрат қилиш истаги руҳимга ҳеч тинчлик бермасди. Шўқрки, мамлакатларимиз орасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайиб, чегаралар очилди. Икки қардош халқ ҳеч қандай тўсиқларсиз бирга тўй-томошлар қиладиган, бир-бириникига бориб келадиган бўлди. Ҳажга боришни ният қилиб юргандим. Бирок, аввало, барча мусулмон учун Макка ва Мадина шаҳарларидан кейинги муқаддас жой — Самарқанд ва Бухородаги обидаларни зиёрат қилмасан, кўнглим жойига тушмасди. Мана, Хожаи Жаҳонни зиёрат қилияман. Ниҳоят ярим асрлик орзум ушалди.

«Бухоронинг зиёратгоҳлари» дунё кезади


Вобкент туманидаги Анжирбоғ қишлоғига — Хожа Махмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳига етиб борганимизда кун асрдан оғган, уфқда офтобнинг заррин нурларидан қизил доғлар чизила бошлаганди. Шунга қарамай, бу ердаги кўҳна меъморий обидаларни таъмирляётган, янги объектларни кураётган усталар завқ ва шижоат билан ишларди. Салқинроқ шабада эса бошлагани туфайли бу ердаги сайёҳлар сафи ҳам тушга қараганда анча қалинлашган.

Умр бўйи гилкорлик қилиб, ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратган Хожа Махмуд коммуналка етишган, серкармон зот бўлган. Ҳазрати Даҳбидийнинг "Макомати Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний" китобида қайд этилган, ҳар гал Махмуд Анжир Фағнавий: "Е Раббий!" десалар, Ҳазрат Борий таолодан "Лаббайка, ё абди!" деган бевосита жавобни эшитганлар.



Елкасига бежирим аппаратни осган бир неча фотограф пирнинг макбарасини, унинг сурати аксланиб турган кўркам ҳовзини, атрофда бунёдкорлик ишларини бирма-бир объективига муҳрляйди. Улар Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳридан экан. Ҳам зиёрат, ҳам саёхатни мақсад қилишйбди.

— Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун барча шароит мавжуд, — дейди ўзини Алишер Пиримқулов деб таништирган меҳмонлардан бири. — Қадимий шаҳарларингизда бетактор обидалар, улуг авлиёларнинг хоки ётган муқаддас манзиллар кўп. Уларни бир бир кўришни, зиёрат қилишни истайдиган одамларни дунёнинг ҳар қандай бурчагидан топиш мумкин. Хусусан, Тожикистонда бу эзгу ишга минглаб инсонлар орзуманд. Шунн ҳисобга олиб, юртимизда ва жаҳоннинг кўплаб давлатларида "Бухоронинг зиёратгоҳлари" деб номланган фото ва тасвирий санъат асарлари кўргазмасини уюшчирмоқчимиз. Давлатларимиз раҳбарлари сайёҳаракатлари билан чегаралардаги муаммолар ҳал этилгани ишчимизни осонлаштиради. Лойиҳамизга барча жойда қизиқиш кучли бўлишига ишонаман. Насиб этса, "Бухоронинг зиёратгоҳлари" дунё кезади.



Устанинг армони



Шофиркон туманида жойлашган Хожа Мухаммад Ориф Ревгарий зиёратгоҳида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари қизгин. Қарийб беш гектарлик худудда турли мевали ва манзарали дарахтлардан иборат боғ, гулзор, меҳмонхона, минора, масжиду таҳоратхона, музей барпо этилмоқда. Бу ердаги ҳар бир объект миллий ва замонавий меъморлик аънаёлари асосида зиёратчиларга ҳар томонлама қулай қилиб тикланмоқда. Яна шунн кузатиш мумкинки, бунёдкорлик ишларида рамзийликка эътибор берилляпти. Масалан, сув тиндириладиган ҳовуз ярим ой шаклига монанд қазилган. Ишчиларнинг айтишича, эрта баҳорда гуллар ҳам ҳилол шаклида экилади. Бу хусурат пири комилнинг "Мохитобон" яъни "ой юзли" дея шарафланганига ишоради.

Масжид деворларига нақш соляётган усталар тиним билмайди. "Бугунги зиёратимиз ҳам, ибодатимиз ҳам — шу. Савобдан, Ҳазратнинг баракотидан умидворимиз", дейди улар. Ҳар бир гангча ўзига меҳр ва иштиёқ билан ёндашилмоқда. Зеро, ҳар бити ҳамда нақшда инсонларга маънавий куч берувчи, уларни тўғри йўлга бошлагувчи теран ифода ва мазмун бор.

— Мухаммад Ориф Ревгарий хечрасидан нур ёйиладиган, вужуддан мушқу анбар иси келиб турадиган муборақ зот бўлган, — дейди усталардан бири, меҳнат фахрийси Ботир Бобомуродов. — Қадамжолари ҳам макоматига мос улугвор бўлиши керак. Жамоамиз билан шунга ҳаракат қилияпмиз.

Устанинг тақдирлашчи, қадимий обидаларни реставрация қилишнинг масъулияти катта. Уларда аждодларимиз руҳи, фикрати муҳассас. Шу боис бу иш одамдан нафақат чўқур билим ва салоҳият, балки юксак маънавий қувватни ҳам талаб этади.

— Шу ўринда бир масалани таъкидласам, — дейди у. — Асрларга тенгдош иморатларнинг гўзаллиғи улардаги ҳар бир нақшнинг мазмун-моҳиятини асл ҳолича тиклай оладиган усталар сафи йиллар ўтиши билан камайиб бормоқда. Биз тенги авлодининг ҳам ёши бир жойга бориб қолди. Баъзан "Мен кўҳна ёдгорликлар ганчларини, шарафларини таъмирлаш илминн отам — уста Очил Бобомуродовдан ўрганган эдим. Бугун бу меросни кимга қолдиряпман?", деган савол қийнади. Ахир қадимий тамаддун ўчоғи бўлган юртимизда минглаб обидалар бор. Вақтни келиб улар яна таъмирга муҳтож бўлиб қолмайдими?! Бу иш учраган қурувчига топирирса, бебаҳо меъморлик намуналари ўз зийнатиин йўқотади. Вақт, маблағ исроф бўлади. Шундай имконият яратилсаки, қобилиятли, меҳр-муҳаббатли ёшларни ҳузуримизга чорласак, керак бўлса, уларни юртимиз бўйлаб юриб, излаб топиб, шоғирдликка олсак. Реставраторлар тайёрловчи махсус мактаб очилса-ку, нур устига нур бўларди. Армонимиз қолмасди.



«Бизни ёдга олганнинг замони обод бўлғай»

Яқинда Буюк Британиянинг дунёга машҳур "The Independent" газетасида саёхатчи журналист Клар Вутнинг Ўзбекистонга сафарни ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Муаллиф ўз китобида Ўзбекистонга ташриф буюришнинг саккизта сабабини келтириб ўтади ҳамда юртимиздаги нақшкор гумбазли обидалар, уларни безашда ишлатилган мураккаб ва нафис сопол қошнларни ҳар бир инсон кўриши, улардан завқланиши, хайратланиши лозимлигини таъкидлайди.

Когон туманида жойлашган Саййид Амир Кулол макбарасининг маҳобатли гумбазига назар солган ҳар ким бу борадаги эътирофларнинг нақадар ҳақиқат эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Шу билан бирга, бугунги кунда мажмуада зиёратчилар учун қулайлик яратиш мақсадида мавжуд иншоотлар таъмирланиб, янги объектлар қуриляётганидан хурсанд бўлади.

— Пири комилнинг миллий меъморлик аънаёлари асосида барпо этилган макбараси, масжиддаги ёғоч ўймакорлигининг ноёб усулларидан фойдаланиб яратилган устун ва равоқлар, эшик-ромларни ўз жозибасини йўқотмаган ҳолда сақлаш, бу ерни доимо саранжом-саришта сақлаш масаласи ҳаммша эътиборимизда, — дейди Когон тумани ҳокими-нинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зубайдулло Шарипов. — Чўнки зиёратчилар, биринчи навбатда, осейишталик, поклик, ободликка қарайди. Шунинг учун мажмуани

ободонлаштириш жараёнида атрофда гулзор ва яшил майсазорлар ташкил қилиняпти. Маҳаллий дарахтлар билан бирга, чет давлатлардан келтирилган қимматбаҳо қўчатлар ҳам экилмоқда. Бино-иншоотларни қуриш ва таъмирлашда миллийлик ҳамда замонавийликнинг уйғунлашувига эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги яна бир нурафшон гўша — Қасри Орифон қишлоғидаги Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳиди. Бухоро халқроқ аэропортидан ушбу қишлоқ томон бораркансиз, Президентимиз топириғи билан ўрнатилган "Хуш келибсиз, Баҳоуддин Нақшбанд юртига! Wellcome to the homeland of Bahauddin Naqshband!" деб ёзиб қўйилган баннерга қўзингиз тушиб, кўнглингиз янада равшан тортади. Бундай баннерлар, қадамжо ва унинг соҳибн ҳақидаги маълумотлар, манзилни тўғри тоғиб боришга ёрдам берувчи белгилар зиёратчилар учун аини мурдо.

Қадамжой зиёратчилар ва хориққ сайёҳлар билан гавжуд. Қўлоққа ўзимизнинг хоразмика лажадан тор-

тиб, япон, корейс, немис, француз, арабча сўзлар чалинади. Бунинг сира ажаблалари жойи йўқ. Негаки, Нақшбандия таълимоти замирида миллати, дини, тилидан қатъи назар, инсонни азиз билиш, одамлар ўртасига меҳр-шафқат, мурувват уруғини сочиш, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш, улар кўнглида эртанги кунга умид уюғотиш сингари олижаноб мақсадлар муҳассаски, бу эзгу тушунчалар ҳар бир халқда юксак қадрланади.

— Мажмуага ҳар гал келганимда енгил тортаман, — дейди саксон беш ёшли Раҳмон бобо Ҳакимов. — Бу ердаги ободончилик ишларини кўриб ич-ичимдан суюнаман, шу хайрли иш бошида турган Президентимиз ҳақига дуо қиламан. Зиёратгоҳининг бундан ўттиз — ўттиз беш йил аввалги ҳолати билан ҳозирги кўфасини хаёлан таққослаб, кўнглимда шукроналик ҳиссини туюман.

Дарҳақиқат, илгари бу муқаддас жойнинг ҳароб аҳолини кўрган зиёратчилар дарди ичида эди. Кўнглилари қабр каби чўкиб ортга

қайтишарди. Шўқрки, у кўнлар ортда қолди. Бугун Раҳмон бобо каби нуруний отахонлар невараларига Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифат, маънавият, имон-этикод ҳақидаги ўғитларини айтиб, уларни меҳр-оқибати бўлишга, эзгу ишларнинг этагидан тутишга даъват этишмоқда. Улуг пир тақомилига етказган тариқатнинг асоси бўлиши "Дилин Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин!" деган ҳикмати ёшларимиз онгу шурунга синдиришмоқда.

...Маънавият ва маърифатни ҳаётининг бош аъмоли деб билган кўҳна ва боқий Бухоро халқи бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида ўз тарихининг янги саҳифаларини очмоқда. Ёшу кекса — ҳар бир инсон ўтган улугларнинг, жумладан, Етти пирнинг муқаддас қадамжоларини янада обод этиш, уларга муносиб бўлиш ишқи, меҳри билан, олиб бориляётган бунёдкорлик ишларига ўз улусини қўиши илминжида яшамоқда. Зеро, азиз-авлиёларнинг авлодларига насихати янглиғ янграган қуйдаги мисралар бугун ҳам тиллардан-тиллаларга кўчиб юрибди:

Бизни ёдга олганнинг
замони обод бўлғай,
Макони обод бўлғай,
жаҳони обод бўлғай.
Не экса ўриб олғай,
ўшаини одам, бешак,
Бизни ёдга олганнинг
хирмони обод бўлғай!

Дилшод КАРИМОВ,
Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



ЁШ ЛЕЙТЕНАНТЛАР

энди она-Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаб, меҳнат қилишади

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида курсант-тингловчилар битирув маросими ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Тадбир



Ички ишлар вазири, генерал-майор Пўлат Бобожонов ҳамда бошқалар томонидан таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!" деган тамойил давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу асосда барча соҳада бўлгани каби ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг

қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли оқимини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Энг муҳими, ушбу вазифаларни бажаришга қодир, чинакам халқпарвар ички ишлар органлари шаклланимоқда.

Тадбирда кундузги таълимнинг 405 нафар ва раҳбар кадрлар тайёрлаш факультетининг 33 нафар битирувчисига дипломлар топширилди. Улардан бир нафарига эса алоҳида намуна кўрсатгани боис Ички ишлар вазирлиги буйруғи билан катта лейтенант унвони берилди.

— Тўрт йил мобайнида ушбу нуфузли таълим даргоҳида билим олиб, касб малакасини эгалладик, — дейди Академия битирувчиси, катта лейтенант Дилафруз Шарифова. — Эндиликда она-Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаб, меҳнат қиламиз. Зеро, вазирамиз биздан катта масъулиятни ҳамда жамоат тартибини сақлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга солишни тақозо этади.

Академия бадий ҳаваскорлик жамоаси ижросидаги қўй ва тўшмаклар тадбирга байрамона шўхуқ бағишлади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Дарвоқе, Чорвоқ денгизининг тунги чиройини айтмай-сизми? Қишлоқда қанча чироқ ёнса, уларнинг акси уларок, сув қаъридан ҳам шунча чироқ жилваланади. Шабада дам денгиздан, дам тоғ томондан мунтазам равишда эсиб туради. Катта бўлса тўйиб нафас олган сари инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этадиган ҳавони қадоқлаб, иссиқ мамлакатларга экспорт қилишни режа-лаб қўйди. Боладаги сўнги фикр оромгоҳ раҳбари Иброҳим Нурметов ўтказган суҳбатдан сўнг пайдо бўлди.

Йиғилишда айтилдики, бу йилги мавсумда оромгоҳ фақатгина дам олиш ҳудуди эмас, айни вақтда болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш маскани бўлиб хизмат қилади. Демак, янгиликларни ўйлаб топши керак экан-да.

Эҳтимол раҳбар ўз сўзида бу ерда ўндан ортиқ тўғараклар фаолият кўрсатаётганлиги, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигини назарда тутгандир. Оромгоҳдаги тўғаракларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат-

ки, машғулотлар болаларнинг хоҳиш-иродасига қараб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Оромгоҳ инглиз тилини ўрганишга ихтисослаштирилган. Аксарият болалар ана шу имкониятдан фойдаланиб, тил ўрганишга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Спорт мусобақалари, турли тадбирларда ҳам болалар фаол иштирок этишяпти. Чунки ҳар бир тадбирнинг якунида болалар аниқланади, уларга эсдалик совғалар топширилади.

Мухаммаднинг ўзи ҳозиргача учта танловда ғолиб бўлганини ҳам дафтарига қайд этиб қўйди. Яна бир саҳифага тарбиячилар ва етакчилар ҳақида ёзди. Бу йилги мавсумга оромгоҳда ишлаш учун пойтахт вилоятидаги мактабларнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистрлари таллаб олинди. Эллик нафар мураббий ва илмий-хизматчининг 30 нафари олий маълумотлидир. Улар билан ўтказилган семинарда мавсум давомида амалга ошири-

лаётган тадбирлар режаси пишди-пукта ишлаб чиқилди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Мураббийлар бор меҳр-муҳаббатларини болаларга ҳадя этишаётган. Шу боис ўтказилаётган ҳар бир тадбирга ўзгача фойда қирипти.

Мураббийлардан эшитганларда ҳам болалар фаол иштирок этишяпти. Чунки ҳар бир тадбирнинг якунида болалар аниқланади, уларга эсдалик совғалар топширилади.

Ўтган йилги мавсумда "Нихол" болалар оромгоҳи вилоят бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлди. Шу боис, мутасаддилар тақлифлари инobatга олиниб, бу йил болаларнинг дам олиши еттига сменада ташкил этилади. Бу билан жами 1025 нафар ўғил-қиз фаол дам олиш билан қамраб олинади. Бу рақам ўтган йилдагига нисбатан 300 нафар кўпдир.

Дам олиш мавсуми ҳам тўрт кун олдин бошланди. У ҳар йилдагига нисбатан 10 кун кеч якунланади. Сменалар орасидаги икки кунлик танаффусларни йўқ қилиб бажариш ҳам яна икки сменада болаларни дам олишига имконият яратилади.

Кейинги саҳифа эса ўтказилаётган тадбирларга бағишланди. Ҳар бир тадбир оромгоҳнинг жорий йилги ўзига хос томонлари ҳақида гапириб беришган эди.

Бу саволларнинг барчасига болалар бир овоздан жўр бўлишиб, баралла "НИХОЛ" деб жавоб беришди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Микрокредитбанк» АТБ

юртдошларимизга «МКВ-mobile»* мобиль иловаси орқали қуйидаги омонат турлари жорий этилганлигини маълум қилади:

«Тежамкор онлайн» омонати

Муддати — 6 ва 12 ой. Фоииз ставкаси — 10 фоииз.

Маблағлар «МКВ-mobile» мобиль иловаси орқали пластик карточкалардан қабул қилинади. Ушбу омонат тури бўйича ҳисобланган фоииз тўловлари мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда пластик карточкасига тўлаб берилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади, яъни жамғариб борилади. Шартнома муддати тугаганидан сўнг пул маблағлари ушбу жисмоний шахснинг пластик карточкасига қайтарилади (капитализация қилинмайди).

«Тадбиркор онлайн» омонати

Муддати — 6 ва 12 ой. Фоииз ставкаси — 14 фоииз.

Маблағлар «МКВ-mobile» мобиль иловаси орқали пластик карточкалардан қабул қилинади. Ушбу омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади, яъни жамғариб борилади ҳамда ҳисобланган фоииз тўловлари мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади. Фоиизларнинг суммаси омонатга қўшиб борилади (капитализация қилинмайди).

* Ушбу мобиль илова мижознинг «Android» операцион тизимида ишловчи мобиль қурилмасига интернетдан «Play market» иловасидан кириб юклаб олинади.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Телефон: (0-371) 202-99-99.
www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР

Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий андозалар асосида билим олиши, халқаро миқёсда тан олинган нуфузли университет ва институтларнинг филиалларида ўқиши учун барча шарт-шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги пайтда рўй бераётган туб ислохотлар ёшларимизнинг илму фанга бўлган қизиқшини янада кучайтирмоқда. Зеро, таълим, бу — муваффақиятга эришиш йўлидир. Шундай экан, таълимий хизматлар бозорида мавжуд магистрлик дастурларидан қайси йўналишни танлаган маъқул?

Ушбу масала ва магистрлик дастурларининг истиқболлари ҳақида Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети магистрлик курслари раҳбарлари — Зиёдулла Парпиев, Ҳасан Сайфутдинов ва Рустам Абдураууповнинг мулоҳазалари ва тақлифларига қулоқ тутамиз.

ТАЪЛИМ

Таъкидлаш жоизки, ушбу таълим мас-канида 2006 йилда Халқаро бизнес ва менежмент (MA in International Business and Management) йўналишида биринчи магистратура курси ташкил қилинган. Бугунги кунда эса халқаро бизнес дастурига қўшимча равишда, университет амалий иқтисодиёт ва халқаро тижорий ҳуқуқ каби мутахассисликлар бўйича магистрлик дастурлари тақлиф қилинган.

Ҳўш, мазкур дастурлар қандай соҳа-ларда мутахассисларни тайёрлайди? Ҳўш керакки, ҳар бир дастур ўзига хос ўрни ва мақсадига эга бўлиб, улар нафақат Ўзбекистон, балки халқаро миқёсда талаб қилинадиган мутахассис-ларни тайёрлашга қаратилган.

Зиёдулла ПАРПИЕВ ("Амалий иқтисодиёт" курсининг раҳбари):

— Амалий иқтисодиёт бўйича магистрлик дастури ўз фаолиятини халқаро ташкилотлар, хусусий корхоналар (инвестициявий банклар, консалтинг компаниялари ва бошқалар) ҳамда инвестицияларни жалб қилиш бўйича дав-лат идоралари, вазирликларда иқтисодий таҳлилчи сифатида амалиёт юрит-моқчи бўлганлар учун мўлжалланган.

Талабаларимиз замонавий иқтисодий

муаммоларни тушуниш қобилиятини ривожлантириб, илгор билимлар ва давлат сиёсатини таҳлил қилиш усул-ларини ҳамда унинг бизнес тузилмасига таъсирини амалда қўлашади. Улар маъ-лум бир мамлакатда иқтисодий ўсишни қай тарзда амалга ошириш, компания-нинг муайян бозорга чиқиши ёки чиқ-маслиги, корхоналар учун норматив-хуқуқий базани ўзгартириш натижалари қандай бўлиши каби масалалар ечимини топишлари мумкин. Айни пайтда улар муаммолар ҳақида чуқурроқ тушуниш имконини берадиган таҳлилий дастур ва усулларни ўрганадилар. Масалан, солиқ имтиёзлари иқтисодий фаолиятни рағ-батлантириши барчамизга маълум. Бироқ бу ҳолат ҳар доим шундайми ёки фақат маълум шароитлардами, даромад солиғи ставкаси 2 балл пастга туши-рилса, солиқни қанча миқдорда камай-тиришимиз керак, бу етарли бўладими, иқтисодий фаоллик неча фоииз кўпаяди? Ушбу магистратура курсининг битирув-чилари бундай саволларга жавоб бера оладилар. Мазкур жавоблар Stata ёки Eviews каби дастурлар ёрдамида маълумотларнинг профессионал дара-жада таҳлил этилишини талаб қилади. Айни пайтда бу магистрлик курси маз-кур дастурларда профессионал тайёр-



гарликни таъминлайдиган Ўзбекистонда-ги ягона курс ҳисобланади.

Ҳасан САЙФУТДИНОВ ("Халқаро тижорий ҳуқуқ" курсининг раҳбари):

— Халқаро тижорий ҳуқуқ йўнали-ши бўйича магистрлик дастури талаба-ларга халқаро савдо ҳуқуқи асосида фаолият юритадиган чўқур ва тизимий билимларни етказиб беришга қаратил-ган. Битирувчилар юридик амалиёт асосида банк, молия, сўғурта, транспорт, бошқарув, импорт ва экспорт, навола-ри ҳал қилиш, консалтинг, давлат сектори, халқаро ташкилотларда фаолият юритишлари, бундан ташқари, юридик соҳада ҳам илмий ишларини давом эттиришлари мумкин.

Дастурга киритилган асосий фанлар қуйидагилар: халқаро солиқ қонунчили-ги, халқаро тижорат ҳуқуқи, электрон тижоратнинг ҳуқуқий томонлари, халқаро тижорат арбитражи, хорижий инвести-циялар бўйича арбитраж, лойиҳаларни молиялаштириш бўйича халқаро қонун-лар ва бошқалар.

Рустам АБДУРАУПОВ ("Халқаро бизнес ва менежмент" курсининг раҳбари):

— Бизнинг дастуриимиз стратегик ва операцион бошқарув, инсон ресурслари-ни бошқариш, маркетинг, молия ва маълумотлар таҳлили каби бир қатор бизнес бошқаруви фанларига йўналти-рилган. Курснинг халқаро йўналиши биз-нес амалиётини ва маданиятини батаф-сил тушуниш учун жаҳон ишлаб чиқар-увчилари ва халқаро товарларни ўрга-нишни ўз ичига олган дастурни ташкил қилади. Шунингдек, ушбу магистрлик курси танқидий фикрлаш қўнимчалари-ни, музокаралар ҳамда мулоқот қабул қилиш, маҳаллий ва глобал бизнеснинг тез ўзгарувчанлиги учун зарур бўлган бошқа билимларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Мутахассисларнинг маълумот-ларига қўшимча тарзда яна шунги маълум қиламизки, магистрлик курсларидаги барча дарслар тала-баларга бир вақтнинг ўзида ўқиш

ва ишлаш имкониятини бериш учун соат 18.30 да бошланади. Одатда, дастурни тамомлаш учун икки ўқув йили талаб қили-нади, лекин халқаро бизнес ва менежмент ҳамда амалий иқти-содиёт курсларини бир йилда битириш мумкин.

Барча машғулот таълим ва хусусий секторда катта тажри-бага эга профессионал ўқитув-чилар томонидан олиб борила-ди. Бундан ташқари, универси-тет бизнес соҳасидаги тренер-лар ва муваффақиятли фаолият юритаётган ишбилармонларни сўнги ютуқлар, рақамли маркетинг, эконометрик таҳлил ҳамда глобал-лашув каби турли мавзулар бўйича маърузалар ва семинарлар ўтказиш учун тақлиф қилади.

Кириш талаблари

Мазкур курсларда сабоқ олишни истаганлар камида 6,5 (шу жумладан, ёзув имтиҳони 6,0) IELTS бали ёки унга тенг бошқа сертификат (TOEFL)га эга бўлишлари керак.

Магистрлик курсларининг ўзига хослигига қараб, дастурларда иш тажрибаси ва абитуриентларнинг таъ-лимига боғлиқ бўлган баъзи талабалар мавжуд. Масалан, "Амалий иқтисодиёт" курсида номзоднинг иқтисод, матема-тика ёки статистика бўйича билимлари талаб қилинади. Халқаро тижорий ҳуқуқ курсига топшириш учун ҳуқуқшунослик ёқуд қонунчилик соҳасида бақалав б-раҳаси ёки шу соҳада иш тажрибасига эга бўлиши керак. Халқаро бизнес ва менежмент курсида номзоддан онлайн тарзда рўйхатга ўтилган кунга қадар ка-мида ўн икки ойлик иш ҳақи тўланади-ган иш тажрибасига эга бўлиши талаб қилинади.

Талабдорлар магистрлик курсларида ўқиш учун www.wlut.uz веб-сайти орқа-ли 2018 йил 12 августга қадар ариза бериши мумкин.

М. ЖОНИХОНОВ.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни сотиб олиш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

— массаж креслолари, ишчи креслолар, нур қайтарувчи ленталар;
— қуввати 7, 9, 12, 18, 24, 30, 48, 60, 100 бўлган кондиционерлар.

Юқори босимли 1 тўплам ҳаво компрессорини етказиб бериш бўйича тижорат тақлифларини қабул қилиш муддати узайтирилади.

Тижорат тақлифларини қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь кун.

Танлов савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади:
100070. Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Маълумот олиш ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқоридаги манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(0-371) 255-75-12 (набатчи), 281-46-71.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳрират компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғева томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.55 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Набатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.